

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ТЕРМИНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ХУЖЖАТЛАР ТИЛИДА ҚЎЛЛАНИШИ

Сададдин Жалилов,
Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси

Аннотация: В работе рассматривается упорядочения и унификация терминов, а именно, язык общественно-политических терминов официально-деловых документов узбекского языков

Ключевые слова: терминология, официально-деловой документ, делопроизводство, языковая норма, устойчивость терминов

Миллий мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида кундалик турмушда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар барча жабҳалардаги каби ўзбек халқининг алоқа воситаси бўлган ўзбек тилида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбек тилининг истиқлол даври тараққиёти, айниқса, унинг луғат таркиби ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги давлатчилик тизимининг шаклланиши, миллий қонунчиликнинг яратилиши, ижтимоий– сиёсий соҳадаги туб ислохотлар, демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, кишиларимизнинг сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги даражасини юксалтириш, халқаро муносабатларнинг жадал ривожланаётгани каби ижтимоий ҳаётимизда рўй берган улкан ўзгаришлар ўзбек тили луғат таркибининг, хусусан, ижтимоий-сиёсий лексиканинг такомиллашуви ва тараққиётида етакчи омиллар сифатида намоён бўлди.

Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, дефиницияга эга бўлган ва номинатив функцияни бажарадиган бирликлар термин ҳисобланади деб қаралади. Терминологияга эътибор ҳамisha тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки терминларнинг соҳалар луғавий қатламларидаги ўрни ва вазифасини белгилаш, тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш имконини беради.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар ниҳоятда хилма-хил ва миқдоран кўп. Оддий аризадан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясигача бўлган ҳужжатлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли, мазмуни ва бошқа қатор жиҳатлари бир биридан фарқ қилади. Шундай экан, ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар тилига қўйиладиган умумий талаблар билан бирга ҳар бир туркум ҳужжатлар олдига қўйиладиган кўпгина лингвистик талаблар ҳам мавжуд. Ҳар бир ҳужжат, албатта, ўзига хос лингвистик хусусият ва сифатлар билан белгиланади. Бу хусусият ва

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

сифатларни ҳар тарафлама ҳамда теран тасаввур қилмасдан туриб, мукаммал ҳужжатчиликни яратиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Умуман, ҳужжатлар бир неча жиҳатларига кўра таснифланади. Бу жиҳатдан, аввало, уларни ички ва ташқи ҳужжатлар, содда ва мураккаб ҳужжатлар, хусусий ҳужжатлар, намунавий ҳужжатлар, ташкилий ҳужжатлар, фармойиш ҳужжатлари, маълумот-ахборот ҳужжатлари ва яна бир қанча турларга бўлиш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг долзарблиги унинг тили ва услуби масаласидир. Ҳужжат тайёрлаш ва расмийлаштиришда ўзбек тилининг қоидалари ва меъёрларини пухта эгаллаш зарур. Чунки ҳар қандай ҳужжат замирида инсон манфаатлари, ҳуқуқлари, талаблари, кадр-қиммати ва эркинликлари ётишини унутмаслик лозим. Бусиз замонамиз тараққиёти талабларига жавоб берадиган аниқ, лўнда ва теран мантиқли ҳужжатларни яратиш бўлмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бошқарув соҳасидаги ходимлар ўз иш вақтларининг 10 фоизга яқин қисмини ҳужжатлаштириш ва расмийлаштириш учун сарфлар экан [2.12].

Сўнгги йилларда ўзбек тилида қўлланилиб келаётган русча ва рус тили орқали кириб келган терминларнинг анчаси муваффақиятли янги муқобиллари билан алмаштирила бошланди. Масалан, *абстракт-мавҳум, автограф-дастхат, адаптация-мослашиш, администрация-маъмурият, директива-кўрсатма, проект-лойиҳа, комплекс-мажмуа, анкета-сўровнома, конкурс-танлов, ревизия-тафтиш, презентация-тақдимот, рецензия-тақриз, разряд-тоифа* ва ҳоказо.

Ҳужжатчиликдаги ноўрин ҳолатлардан бири айрим ҳужжатларни ёки тушунчаларни номлаш масаласидир. Масалан, рус тилидаги справка термини гоҳ *маълумот*, гоҳ *маълумотнома* тарзида, («Ўзбек тилида иш юритиш»да «*билдиргич*»), пенсия, пособия терминлари – *нафақа*; совет – *кенгаш, уюшма*; отпуск, каникуль – *таътил*; рекомендация, ходатайство – *тавсиянома*; доклад, лекция – *маъруза*; договор, контракт – *шартнома* каби тарзида ифодаланиб келмоқда. Бизнингча, *договор* терминига *келишув, аҳдлашув* терминларидан бирини, *ходатайство* терминига эса *тақдимнома* терминини олиш зарур. Бундай терминларнинг ҳар бирига ўзбекча муқобил топиш лозим, топилмаса ўзини қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Яна шуни ҳам айтиш ўринлики, бу жараёнда русча ва рус тили орқали кириб келган терминларни ўринсиз, сунъий равишда янги ясалмалар ёки араб ва форс-тожикча сўзлар билан алмаштириш ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан: *банкрот – синиш, бухгалтер – ҳисобчи, газета – рўзнома, депутат – ноиб (халқ*

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ноиб), институт – олийгоҳ, таълимгоҳ, клуб-томошагоҳ, тадбиргоҳ, компенсация – бадал, медал – нишон, натарис – нухакаш, стадион – ўйингоҳ, транспорт – нақлиёт, факультет – куллиёт ва ҳ. Бундай ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Аксинча, у соҳа ходимларини, ўқувчини, қолаверса, халқни чалғитади. Охир-оқибат адабий тил меъёри бузилади. Шунинг учун ҳам терминларни, соҳалар терминологиясини тартибга келтириш, яъни унификация қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Филология фанлари доктори Ғ.Абдурахмонов терминлар аниқлиги масаласида, «Атамаларнинг аниқлиги ва қатъийлашиши шу миллатнинг фани, маорифи, маданияти даражасини кўрсатади. Атамаларнинг ривожланиши, тартибга солиниши фаннинг ҳар хил соҳаларида турлича бўлиб, маълум фаннинг тараққиётига боғлиқ. Бу тараққиёт тўхтовсиз бўлгани учун янги атамаларнинг келиб чиқиши, тартибга тушиши ҳам узлуксиз бўлади. Умуман, она тилида атамаларнинг пухта ишланиши, тартибга солиниши дарслик ва қўлланмалар тузиш учун ҳам, она тилида дарс олиб бориш учун ҳам зарур бўлган манбадир. Атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги нутқ услубига ҳам таъсир кўрсатади» [2.84].

Терминларнинг адабий орфографик, луғавий-услубий мезон талабларига мос ҳолда баён қилинишига алоҳида диққат қаратмоқ лозим. Чунки оммага тақдим қилинаётган меъерий ҳужжатларнинг матнлари ихчам, содда ва тушунарли баён қилиниши керак. Бу борада биз кўпроқ тўқнаш келадиган соҳалардан бири ижтимоий-сиёсий ҳужжатлар ҳисобланадиган йўриқнома, буйруқ, қонунлар, тавсиялар ва ҳоказолар тилидир. Кўпинча уларда баён қилинган матнларни бир ўқишда тушуниб олиш қийинчилик туғдиради.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай ҳужжат, энг аввало, ахборот ташувчи экан, ҳужжатнинг ахборот сифимини кенгайтириш, ундаги фикрнинг теран мантиқини таъминлаш, тушунчага мос терминларни қўллаш муҳимдир. Шунинг учун ҳужжатда тилнинг тежаш тамойилидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳ.Бектемиров ва Э.Бегматовлар “Мустақиллик даври атамалари” китобида шундай ёзади: “Тилга хоҳлаган сўзни киритавериш, ундан хоҳлаган сўзни хоҳлаган пайтда чиқариб юбориш мумкин деб ҳисоблаш хато фикрдир... Тил ҳаёти ва нутқий амалиётига аралашининг ўрни, меъёри ва бунинг даражасини билиш ҳамда ўша асосда иш кўриш, илмий терминларни тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг энг тўғри йўлидир” [1.35].

Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий ҳужжатлари тили бугунги кунда анча такомиллашганини таъкидлаш ўринли. Бундай ишларни янада жонлантириш давр талаби, албатта. Бу бир томондан ҳужжатлар тилини тез ва осон

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

тушунишимизга ёрдам берса, иккинчидан, адабий тилнинг сайқалланиб боришига, аниқроғи, расмий услуб тамойилларининг янада ихчамлашиб боришига ижобий таъсирини теккизади.

Хуллас, терминларга муносабатда, терминология тизимини янгилаш, ўзгартириш ва такомиллаштиришда тилнинг ривожланиш қонуниятларига, унинг луғавий тизимини меъёрлашнинг ўзига хос объектив талабларига, мезон, илмий ўлчов ҳамда принципларига амал қилган ҳолда иш тутиш ғоят муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Тошкент, 2002.
2. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002.
3. Маҳмудов Н., Маҳкамов Н., Мадвалиев А., М.Аминов.Ўзбек тилида иш юритиш. –Тошкент,1990.